
Юрт раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси тарғиботи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасининг мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш механизмлари ҳамда кутилаётган ижобий ўзгаришлар тўғрисида вилоят ҳокими томонидан белгиланган режа-жадвалига асосан маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, айниқса ёшлар, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида тарғибот гуруҳлари томонидан тарғибот-тушунтириш ишлари ўтказилиши белгиланган эди.

Шунга асосан бугун Қувасой шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида шаҳар таълим муассасаларининг раҳбар ва ўқувчилари, шаҳар Тиббиёт бирлашмасининг йиғилишлар залида тиббиёт бирлашмаси меҳнат жамоаси, “КВАРЦ” акциядорлик жамияти корхонасида, Шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида фаол ёшлар, таълим муассасалари ўқувчилари, уюлмаган ҳамда тадбиркор ва ҳунарманд ёшлар, ёшлар етакчилари ҳамда 4 та сектор ҳудудида жойлашган МФЙ фуқаролари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тарғибот гуруҳи томонидан очиқ мулоқот ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Топиволди Холдаров, ФарДУ Тарих кафедраси профессор ўқитувчиси Азизбек Расулов, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши котибияти мудир Асилбек Назиров, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилоят Кенгаши Ҳарбий бўлим бошлиғи Майор Фахриддин Султонов шунингдек, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир давомида тарғибот гуруҳи томонидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасининг мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш механизмлари ҳамда кутилаётган ижобий ўзгаришлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Иштирокчилар ҳам 2021 йил Давлат Дастури ва Фармон лойиҳасига ўзларининг муносиб таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тарғибот тадбирлари якунида юқоридаги масалалар юзасидан мутасаддилар томонидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-01-22 18:45:20